



ТАСДИҚЛАЙМАН»
18-сонли ДИМИ директори

Д.Қаюмов

2022 й

Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод туман Ғирвонсой кўчасида жойлашган 18-сонли ДИМИ моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун компютер, оргтехника ва мебелларни сотиб олиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Буюртмачи "Наманган вилоят 18-сонли ДИМИ"
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,
Наманган шаҳри, Давлатобод туман
Бош директор: Д.Қаюмов

1.2. "18-сонли ДИМИ"нинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат компютер техникаси, оргтехника ва мебел олиб келиб бериш хизмати билан 529000000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган маҳсулотлар ва жихозлар тури иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод туман Ғирвонсой кўчасида жойлашган 18-сонли ДИМИ моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун компютер, оргтехника ва мебелларни сотиб олиш учун

3. Танлов шарт шартлари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустафно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли руҳхатномага эга бўлиши, Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод туман Ғирвонсой кўчасида жойлашган 18-сонли ДИМИ моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун компютер, оргтехника ва мебелларни сотиб олиб келтириб бериши керак

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи ҳужжатлар нуسخалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги талбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи куйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.